XALQ DEPUTATLARI UCHQO`RG`ON TUMANI KENGASHINING

Q A R O R I

2021 - yil 30 - dekabr VI-42-77-6-87-K/21 Uchqo‘rg‘on tuman hokimligi

2022 йил учун Наманган вилояти Учқўрғон туманининг маҳаллий бюджети тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддалари, Бюджет кодексининг 99-моддаси, “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига ҳамда Халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашининг 2021 йил 30 декабрдаги VI-28-69-6-0-K/21-сонли қарорига мувофиқ ва Наманган вилояти ҳокимлигининг молия бош бошқармасининг 2021 йил 30 декабрдаги 01-14/20-01-38/2735-сонли хатини инобатга олиб, халқ депутатлари Наманган вилояти Учқўрғон тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги 2021 йил 30 декабрдаги

ЎРҚ-742-сон Қонуни (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) ҳамда Халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашининг 2021 йил 30 декабрдаги VI-28-69-6-0-K/21-сонли қарори ижро ва раҳбарлик учун қабул қилинсин.

2. Халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашининг 2021 йил 30 декабрдаги VI-28-69-6-0-K/21-сонли қарорига мувофиқ Учқўрғон тумани маҳаллий бюджетининг 2022 йилги даромадлари 72 641 399.0 минг сўм, харажатлари 207 945 576.0 минг сўм маълумот учун қабул қилинганлиги ҳамда вилоят бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро

трансфертлар 135 304 177.0 минг сўм миқдорида тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчиларга Учқўрғон тумани бюджетидан ушбу Кенгаш қарорига мувофиқ ажратиладиган маблағлардан фақат 2022 йил молия йили давомида фойдаланилсин.

4. Наманган вилояти Учқўрғон туманининг маҳаллий бюджети даромадлари прогнози ва харажатлари:

2022 йил учун Учқўрғон тумани маҳаллий бюджети даромадлари прогнози 1-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин;

2022 йил учун Учқўрғон тумани бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдори 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин;

2022 йил учун Учқўрғон тумани бюджетига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдори 135 304 177.0 минг этиб тасдиқлансин.

Ушбу Кенгаш қарорида назарда тутилган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини Учқўрғон туман маҳаллий бюджети даромадлари прогнозининг ижросидан қатъи назар, камайтиришга йўл қўйилмасин.

5. 2022 йил учун Наманган вилоятининг вилоят ва Учқўрғон тумани бюджетлари ўртасида ажратмалар нормативлари белгиланадиган умумдавлат солиқлари ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек солиқ бўлмаган тўловлар 3-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

Бунда, ажратмалар нормативлари бўйича вилоятнинг вилоят маҳаллий бюджети билан Учқўрғон тумани маҳаллий бюджетининг ажратмалар нормативлари ўрнатилган тартибда Учқўрғон тумани бўйича Ғазначилик бўлинмаси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

6. 2022 йил учун Учқўрғон тумани бюджетида йўл қўйиладиган айланма касса маблағларининг энг кам миқдори 966 571.0 минг сўм этиб белгилансин.

7. Наманган вилояти Учқўрғон тумани маҳаллий бюджетининг захира жамғармаларини шакллантириш:

2022 йил учун Учқўрғон тумани бюджети захира жамғармаси ҳажми 1 961 751.0 минг сўм миқдорида белгилансин.

Учқўрғон тумани бюджетининг 2022 йил учун захира жамғармалари

тегишли бюджетлар тасдиқланган умумий харажатларининг камида 1,0 фоизи (жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириладиган маблағдан ташқари) миқдорида шакллантирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Учқўрғон тумани бюджетининг захира жамғармасига юқори турувчи бюджетдан ажратилган тақдирда ушбу Кенгаш қарорига ўзгартиришлар киритилмайди.

8. 2022 йил учун Учқўрғон тумани маҳаллий бюджети даромадларини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари:

а) солиқларнинг қуйидаги турлари Учқўрғон тумани бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;

юридик шахслар ер солиғи;

корхоналар айланмасидан солиқ;

айрим турдаги товарларнинг чакана савдосига доир ҳуқуқ учун йиғимлар;

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона органлари томонидан ундириладиган йиғимлардан, ғилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун ундириладиган утилизация йиғимидан, шунингдек автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш учун тўловдан ташқари);

давлат активларини жойлаштиришдан, фойдаланишга (ижарага) беришдан ва сотишдан қонунчиликда белгиланган нормативлар бўйича олинган

даромадлар.

б) Наманган вилоятининг вилоят маҳаллий бюджети ҳамда Учқўрғон тумани маҳаллий бюджети ўртасида қуйидаги тартибда тақсимланади:

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан тушумлар (жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан ташқари).

в) Вилоятнинг вилоят маҳаллий бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;

электр станциялари томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи;

қонунчиликда белгиланган миқдорлардаги давлат божлари (патент божларидан ва лицензиялар берганлик учун давлат божларидан ташқари);

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

қонунчиликда белгиланган миқдорларда давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича дивидендлар (даромадлар) ва ажратмалар;

Давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушумлар;

Агар қонунчиликда маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган даромадларнинг тақсимланиши назарда тутилмаган бўлса, даромаднинг ушбу тури вилоятнинг вилоят бюджетига ўтказилади.

9. Учқўрғон тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари (Б.Тўламирзаев), туман молия бўлими (Б.Холмирзаев), Давлат солиқ инспекцияси (Б.Дехқанов) туман ҳокимлиги ва масъул идора ва ташкилотлар билан биргаликда:

тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон, коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантириш;

маҳаллий бюджети прогноз кўрсаткичларни ўз вақтида ва самарали бажариш;.

бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш;

бюджет интизомига риоя этилиши устидан назорат ва масъулиятни янада кучайтириш;

тегишли маҳаллий бюджетларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушумини таъминлаш;

бюджет даромадлар базасини ошириш ва қўшимча резервларни аниқлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратсин.

10. Учқўрғон туман давлат солиқ инспекцияси (Б.Дехқанов) Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган ваколатларидан келиб чиқиб:

солиқларнинг тўлиқ ва тўғри ҳисобланишини ҳамда ушбу солиқларни ўз вақтида бюджетга ундирилиши устидан солиқ назоратини кучайтириш;

ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва мол-мулк солиқлари бўйича доимий таҳлиллар ўтказган ҳолда, солиқларни тўлиқ ҳисобланишини таъминлаш ҳамда ушбу солиқ тўловлари бўйича солиқ қарздорлигига йўл қўймаслик чораларини кўриш;

айланмадан солиқ тури бўйича солиқ тўловчилар томонидан нақд пул айланмаларининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилиши устидан доимий солиқ назоратини ўрнатиш ҳамда зарур ҳолларда хронометраж ва камерал солиқ назорати тадбирларини ўтказиш;

Бунда, мазкур йўналишда жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида фуқароларга харид чекини талаб қилиб олишни тарғиб этувчи ижтимоий роликлар ҳамда видео материаллар тайёрлаб, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратсинлар.

Хатлов ишларини самарали ташкил этиш орқали ер ва мол-мулк солиғининг солиқ базасини ошириш вазифаси юклатилсин.

11. Учқўрғон туман солиқ инспекцияси (Б.Дехқанов), Кадастр агентлиги туман бўлими (С.Турғунов) 2022 йилдан бошлаб юридик шахслар мол-мулк солиғини ҳисоблашда кўчмас мулкларга 1 кв.метр учун минимал миқдорлар жорий этилганлигидан келиб чиқиб, вилоятда мавжуд солиқ тўловчиларнинг мол-мулклари майдонларини чуқур таҳлил этган ҳолда ушбу мол-мулкларга

нисбатан солиқларни тўлиқ ҳисобланишини таъминласин.

12. Учқўрғон туман давлат солиқ инспекцияси (Б.Дехқанов):

норуда қурилиш материалларини қазиб олиш соҳасида ноқонуний фаолият олиб бораётган карерларни аниқлаш бўйича хатловлар ўтказиш;

хатлов натижалари бўйича аниқланган ноқонуний фаолият олиб бораётган каръерлар фаолиятини қонунийлаштириш ҳамда уларни солиқ базасига қамраб олиш;

норуда қурилиш материалларини қазиб олиш соҳасида фаолият олиб бораётган каръерлар томонидан қазиб олинаётган норуда қурилиш материаллар ҳажмининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

Бунда, ушбу соҳада фаолият олиб бораётган каръерларнинг қазиб олиш ҳажмларини доимий таҳлил қилиб бориш ҳамда зарур ҳолларда қазиб олиш ҳажмларини аниқлашда маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан “Маркшейдрлик” хизматларидан фойдаланиш лозимлиги алоҳида белгилаб қўйилсин.

13. Учқўрғон тумани ҳокимлиги:

маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги ҳокимлик томонидан тақдим этилган таклифлари асосида бюджет қонунчилигига тўлиқ риоя этилган ҳолда Кенгаш қарор лойиҳасини ишлаб чиқилишига;

Кенгаш қарори асосида маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратилган маблағларни самарали ва мақсадли фойдаланиши устидан назорат ўрнатишга ва натижалари бўйича тавсиялар беришга мониторинг қилишга;

маҳаллий бюджет харажатларининг қонунчиликда белгиланган қисмининг жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилишида иштирок этади ва ушбу маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан назоратни амалга оширишга масъул этиб белгилансин.

14. Учқўрғон туман ҳокимлиги бюджетлари тасдиқланган харажатларининг (захира жамғармаси маблағларисиз) 5 фоизига тенг миқдордаги маблағлар жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган

тадбирларни молиялаштиришга ҳамда маҳаллий бюджетда шаклланган қўшимча манбаларнинг камида 30 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштириш учун Учқўрғон туман “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га йўналтирсин.

Бунда, туман депутатлари, Ёшлар ишлар агентлиги, туман ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашлари ҳамда янги жорий этилган ҳоким ёрдамчилари бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида аҳолига кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга масул этиб белгилансин;

15. Наманган вилояти, Учқўрғон тумани ҳокимлиги ва ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчиларга:

ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларга ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимотини, молиявий ҳисоботларни, капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳалар ижросини, ўтказилган танлов (тендер) савдолари ва давлат харидлари ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштириш;

Учқўрғон тумани маҳаллий бюджет қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якунларига кўра, кейинги чорак биринчи ойининг 10-санасига қадар тегишлича Учқўрғон тумани ҳокимлиги томонидан мажбурий тартибда ўз расмий веб-сайтларига жойлаштирсинлар.

16. Учқўрғон тумани ҳокимлиги ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар тўғрисидаги ҳисоботларини халқ депутатлари Наманган вилояти Учқўрғон тумани Кенгашига тақдим этилишини таъминласин.

17. Учқўрғон тумани ҳокимлиги ва ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назоратни ўрнатиши учун тегишли Кенгашларга маълумот киритсин.

18. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

19. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш Халқ депутатлари Учқўрғон тумани Кенгашининг “Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича” доимий комиссияси ва Учқўрғон тумани ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

Sessiya raisi **Yunusov X. O.**

Халқ депутатлари Учқўрғон туман
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-42-77-6-87-K/21-сон қарорига
1-илова

Наманган вилояти Учқўрғон туман маҳаллий бюджетларининг 2022 йилги асосий даромад кўрсаткичлари

Даромад турлари		Сумма минг сўм
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	0
2	Корхоналар айланмасидан солиқ	7 675 802
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	29 767 119
4	Якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	1 004 422
5	Якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи	0
6	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	4 767 498
7	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	3 810 000
8	Юридик шахслар ер солиғи	8 911 922
9	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	7 862 356
10	Қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	50 746
11	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	4 647 681
12	Давлат божи	
13	Жарималар	
14	Давлат мулки бўйича ижара тўловлари	526 502
15	Йиғимлар	3 526 498
16	Бошқа тушумлар	90 853
ЖАМИ		**72 641 399**
	Трансферт	**135 304 177**
	Тартибга солувчи бюджетлараро трансферт	135 304 177
ЖАМИ ДАРОМАД		**207 945 576**

Халқ депутатлари Учқўрғон туман Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-42-77-6-87-K/21-сон қарорига
2-илова

Наманган вилояти Учқўрғон туман маҳаллий бюджетининг 2022 йилги асосий харажат кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар		Учқўрғон тумани	207 945 576
	Харажатлар - жами		
1.	**Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга харажатлар - жами**	**163 815 045**	
	шу жумладан:		
1.1	Маориф	29 979 770	
	- мактабгача таълим	**18 951 954**	
	шу жумладан:		
	Жорий харажатлар	18 753 279	
	Ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	198 675	
	- умумий таълим	**11 027 816**	
	шу жумладан:		
	Жорий харажатлар	10 272 999	
	Ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	754 817	
	- кадрлар тайёрлаш	0	
1.2	**Соғлиқни сақлаш**	**78 479 016**	
	шу жумладан:		
	Жорий харажатлар	71 810 513	
	Ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	6 668 503	
1.3	**Маданият ва спорт**	**3 989 218**	
1.3	Маданият	1 643 972	
1.4	Спорт	2 345 246	
1.5	Фан	0	
1.6	Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар ва компенсациялар	51 277 140	
1.7	Чернобиль фалокатини бартараф этишда қатнашганларни ижтимоий ҳимоялаш	0	

1.11	Шаҳар пассажир транспортида баъзи категориядаги кишиларнинг бепул юришларини бюджетдан қоплаш	0
1.13	Фуқароларга етказилган зарарни коплаш	0
1.14	1941-1945 йиллардаги уруш фахрийлари ва унга тенглаштирилган шахслар учун асосий турдаги озик-овкат махсулотлари ва гигиена товарларини бепул бериш харажатлари	0
1.15	Ижтимоий кўникма марказлари	89 901
2.	**Иқтисодиётга харажатлар**	**16 150 810**
	шу жумладан:	
2.1	Фермерлар хўжаликлари бухгалтерия марказлари	575 908
2.2	Ўсимликлар карантини инспекциялари харажатлари	0
2.3	Ободонлаштириш	11 257 493
2.4	Махсус эксплуатация-монтаж харажатлари	0
2.5	"Тоза ҳудуд" Давлат унитар корхонаси	0
2.7	Иссиқлик таъминот корхоналарига субсидиялар	0
2.8	Сув хўжалиги вазирлиги ташкилотлари	1 823 603
2.9	Ўрмон хўжалиги ташкилотлари	0
2.10	Давлат экология қўмитасининг ҳудудий бошқармалари	0
2.11	Чигиртка ва қизил капалакка қарши профилактика тадбирлари	0
2.12	Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитасининг ҳудудий бўлимларини сақлаш харажатлари	0
2.13	Уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг худудий бўлимларини сақлаш харажатлари	0
2.14	Ветеринария қўмитаси	1 189 806
2.15	Маҳаллий бюджетларда ҳоким ёрдамчиларининг тавсиялари асосида маҳалла инфратузилмасини яхшилаш учун	1 304 000
3.	**Марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштиришга харажатлар**	**0**
3.1	Туман ва шаҳар марказларини ободонлаштириш	
3.2	Марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштиришга харажатлар	0
4.	**Давлат бошқарув органларини сақлаш**	**10 175 481**
	шу жумладан:	
4.2	Давлат бошқарув идоралари	**10 175 481**
	шу жумладан:	
	Жорий харажатлар	7 801 481

	Ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	2 374 000
5.	**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш**	**6 033 735**
6.	**Заҳира жамғармаси**	**1 961 751**
7.	**Фуқаролар ташаббуси жамғармаси**	**9 808 754**
8.	**Бошқа харажатлар**	**0**
	шу жумладан:	
8.1	Маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган бошқа муассасалар ва тадбирлар	0
8.2	Қабуллар уйини сақлаш харажатлари	0
8.3	Ички ва ташқи қарзга хизмат кўрсатиш харажатлари	0

Халқ депутатлари Учқўрғон туман Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-42-77-6-87-K/21-сон қарорига
3-илова

Наманган вилояти Учқўрғон туман маҳаллий бюджетининг 2022 йилги асосий харажат кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар		Учқўрғон тумани
	Харажатлар - жами	**207 945 576**
1.	**Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга харажатлар - жами**	**163 815 045**
	шу жумладан:	
1.1	Маориф	29 979 770
	- мактабгача таълим	**18 951 954**
	шу жумладан:	
	Жорий харажатлар	18 753 279
	Ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	198 675
	- умумий таълим	**11 027 816**
	шу жумладан:	
	Жорий харажатлар	10 272 999
	Ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	754 817
	- кадрлар тайёрлаш	0
1.2	**Соғлиқни сақлаш**	**78 479 016**
	шу жумладан:	
	Жорий харажатлар	71 810 513
	Ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	6 668 503
1.3	**Маданият ва спорт**	**3 989 218**
1.3	Маданият	1 643 972
1.4	Спорт	2 345 246
1.5	Фан	0

1.6	Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар ва компенсациялар	51 277 140
1.7	Чернобиль фалокатини бартараф этишда қатнашганларни ижтимоий ҳимоялаш	0
1.11	Шаҳар пассажир транспортида баъзи категориядаги кишиларнинг бепул юришларини бюджетдан қоплаш	0
1.13	Фуқароларга етказилган зарарни коплаш	0
1.14	1941-1945 йиллардаги уруш фахрийлари ва унга тенглаштирилган шахслар учун асосий турдаги озик-овкат махсулотлари ва гигиена товарларини бепул бериш харажатлари	0
1.15	Ижтимоий кўникма марказлари	89 901
2.	**Иқтисодиётга харажатлар**	**16 150 810**
	шу жумладан:	
2.1	Фермерлар хўжаликлари бухгалтерия марказлари	575 908
2.2	Ўсимликлар карантини инспекциялари харажатлари	0
2.3	Ободонлаштириш	11 257 493
2.4	Махсус эксплуатация-монтаж харажатлари	0
2.5	"Тоза ҳудуд" Давлат унитар корхонаси	0
2.7	Иссиқлик таъминот корхоналарига субсидиялар	0
2.8	Сув хўжалиги вазирлиги ташкилотлари	1 823 603
2.9	Ўрмон хўжалиги ташкилотлари	0
2.10	Давлат экология қўмитасининг ҳудудий бошқармалари	0
2.11	Чигиртка ва қизил капалакка қарши профилактика тадбирлари	0
2.12	Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитасининг ҳудудий бўлимларини сақлаш харажатлари	0
2.13	Уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг худудий бўлимларини сақлаш харажатлари	0
2.14	Ветеринария қўмитаси	1 189 806
2.15	Маҳаллий бюджетларда ҳоким ёрдамчиларининг тавсиялари асосида маҳалла инфратузилмасини яхшилаш учун	1 304 000
3.	**Марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштиришга харажатлар**	**0**
3.1	Туман ва шаҳар марказларини ободонлаштириш	

3.2	Марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштиришга харажатлар	0
4.	**Давлат бошқарув органларини сақлаш**	**10 175 481**
	шу жумладан:	
4.2	Давлат бошқарув идоралари	**10 175 481**
	шу жумладан:	
	Жорий харажатлар	7 801 481
	Ривожлантириш дастурлари учун харажатлар	2 374 000
5.	**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш**	**6 033 735**
6.	**Заҳира жамғармаси**	**1 961 751**
7.	**Фуқаролар ташаббуси жамғармаси**	**9 808 754**
8.	**Бошқа харажатлар**	**0**
	шу жумладан:	
8.1	Маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган бошқа муассасалар ва тадбирлар	0
8.2	Қабуллар уйини сақлаш харажатлари	0
8.3	Ички ва ташқи қарзга хизмат кўрсатиш харажатлари	0

Халқ депутатлари Учқўрғон туман Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-42-77-6-87-K/21-сон қарорига
4-илова

Умумдавлат солиқларидан маҳаллий бюджетга ажратмалар меъёри

№	Умумдавлат солиқлари	Маҳаллий	Фоизда
Жами		**72 641 399**	
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	-	**0%**
2	Корхоналар айланмасидан солиқ	7 675 802	**100%**
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	29 767 119	**70%**
4	Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган қатъий белгиланган даромад солиғи	1 004 422	**100%**
5	Қўшилган қиймат солиғи	-	**0%**
6	Акциз солиғи	-	**0%**
	шу жумладан		
7	- бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	-	**0%**
8	- ароқ		
9	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	4 767 498	**100%**

10	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	3 810 000	**100%**
11	Юридик шахсларнинг ер солиғи	8 911 922	**100%**
12	Жисмоний шахсларнинг ер солиғи	7 862 356	**100%**
13	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда материаллари)	50 746	**100%**
14	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	4 647 681	**100%**
15	Давлат божи	-	**0%**
16	Жарималар	-	**0%**
17	Маҳаллий йиғимлар	3 526 498	**100%**
18	Ижара тўловлари	526 502	**100%**
19	Давлат ташкилотлари фойда солиғи	-	**0%**
20	Бошқа тушумлар	90 853	**0%**